



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI  
TERMIZ SHAHAR HOKIMINING  
Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 5-uy. 190112, tel.: 0 (376) 224-16-40, fax: 0(376) 224-13-12, termiz.sh@exat.uz

20 21 yil " 15 " апрель

Қ-477 -сон

Termiz sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол  
иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил  
13 апрелдаги ПҚ-5072-сон ҳамда ушбу  
бўйича вилоят ҳокимлигининг 2021 йил  
14 апрелдаги Қ-287-сон қарори ижросини  
таъминлаш тўғрисида**

Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойҳаларини ишлаб  
чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда шаҳардаги долзарб  
муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет жараёнида  
фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида” 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон ҳамда ушбу бўйича вилоят  
ҳокимлигининг 2021 йил 14 апрелдаги Қ-287-сон қарори маълумот ва ижро  
учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

2021 йил май ойидан бошлаб Олтинсой туманида, 2022 йил 1 январдан  
этиборан вилоятнинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг  
тасдиқланган умумий ҳаражатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри  
асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича  
янги тартиб босқичма-босқич жорий этилганлиги;

Молия вазирлиги томонидан бир ҳафта муддатда танлаб олинган  
Олтинсой тумани бюджетига қўшимча равишда Ўзбекистон  
Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан  
7 165,0 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун  
қабул қилинганлиги инобатга олиниб, эътироф этиб ўтилсин.

3. Термиз шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ғ.Эламанов), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан шаҳар бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низом (кейинги ўринда матнда Намунавий низом) тасдиқлангандан сўнг икки ҳафта муддатда:

Намунавий низом асосида шаҳарнинг алоҳида хусусиятидан келиб чиқиб, шаҳар бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини;

халқ депутатлари шаҳар Кенгаши (Ғ.Абжалов), шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг масъул ходимларидан иборат Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссияси таркибини тегишли халқ депутатлари шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ғ.Эламанов), молия бўлими (А.Сафарқулов), тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай ўзларининг расмий веб-сайтларига ва “Очиқ бюджет” порталига жойлаштиради.

шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ғ.Эламанов), молия бўлими (А.Сафарқулов), жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга бюджет маблағларининг ўз вақтида ажратилиши ва уларнинг амалга оширилиши жараёнини ёритиб бориш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Шаҳар молия бўлими (А.Сафарқулов):

жамоатчилик фикри асосида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларнинг шакллантирилиши ва сарфланиши юзасидан ўқув семинарлар ва тренинглар ташкил этиш, мазкур жараённинг моҳиятини акс эттирувчи ўқув материалларини тайёрлаш;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги шаҳар бўлими билан биргаликда шаҳарда аҳоли ўртасида ташаббусли бюджетлаштиришни амалга ошириш механизмини, унинг моҳиятини кенг ёритиш мақсадида методик ҳамда ўқув материаллари тайёрланиши ва тарқатилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ғ.Эламанов), шаҳар молия бўлими (А.Сафарқулов) шахсан масъул этиб белгилансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Шаҳар ҳокими**



**И.Худойбердиев**

**Шаҳар ҳокимлигининг 2021 йил “\_ \_” апрелдаги “\_ \_” –сонли қарорини рўйхатга олиш ва тарқатиш варақаси**

18-474

15.04

2021 йил

№	Ҳужжатни ижро этиш учун юборилаётган ташкилот, корхона муассасалар номи	Нусха сони	Қабул қилган ходимнинг Ф.И.О	Имзо
1	Иқтисод мажмуаси	1		Сем
2	Молия бўлими	1		Сем
3	Ғазначилик бўлинмаси	1		Сем
4	Солиқ	1		Сем
5	Девонхона	1		Сем
6	Юристоконсулт	1		Сем
7	Халқ депутатлари кенгаши (Ф.Абжалов)	1		Сем
8	Термз шаҳар ҳокимлиги котиби (О.Худойкулов)	1		Сем

Қабул қилинган қарорни қуйи ташкилот раҳбарларига тезкорлик билан етказиш мақсадида Telegram ижтимоий тармоғи орқали ташлаб бериш тавсия этилади.

Ҳужжатни жўнатишга тайёрлади:



А.Турсоатов

Ҳужжат юборилди:

Ш.Чориева